

# Ички Ишлар Органлари Хуқуқбузарликлар Профилактикаси Хизматлари Тизимида Амалга Оширилган Ислоҳотларнинг Хуқуқий Асослари

Инагамова Мафура Мухтархановна<sup>1</sup>, Муродов Шохрух Ботиради ўғли<sup>2</sup>

**Аннотация:** Мақолада ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида сўз юритилади.

Мустақилликнинг илк кунларидан республикамиизда ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида амалга оширилган ишлар ва бугунги кундаги кенг кўламли ислоҳотлар натижасида тизимда кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда хуқуқ-тартиботни таъминлашда, жиноят ва хуқуқбузарликларни камайтиришда, аҳоли хуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришда сезиларли даражада ижобий натижаларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли фармони<sup>3</sup> ички ишлар органлари тизимида, хусусан, хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида туб ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу фармонда ички ишлар органлари тизимида тўпланиб қолган жиддий камчиликлар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 мартағи «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жихатидан янги босқичга қўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сонли фармони<sup>4</sup>та асосан Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишининг мутлақо янги механизмлари жорий этилди.

Бундан ташқари Ички ишлар органларининг таянч пунклари негизида маҳалла хуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этиладиган бўлди. Маҳалла хуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуий бўғини эканлиги, маҳалла хуқуқ-тартибот маскани негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилиши, маҳалла хуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторлари зиммасига юкланиши белгилаб берилди.

<sup>1</sup> Тошкент давлат транспорт университети доценти

<sup>2</sup> Тошкент давлат транспорт университет талабаси

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони \| URL: <https://lex.uz/docs/3159827> (29.11.2020.да мурожаат қилинган).

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 мартағи « Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жихатидан янги босқичга қўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сонли Фармони \| URL: <https://lex.uz/docs/3159827> (29.04.2021.да мурожаат қилинган).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелда қабул қилинган «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги ПҚ – 5050-сонли қарори<sup>5</sup>га асосан 3 та низом тасдиқланди:

1. «Махалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида» низом;
2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жазони ижро этиш департamenti тўғрисида низом;
3. Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси.

Ушбу қарорнинг 1-иловасига асосан «Махалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида» низом қабул қилинди. Ушбу низомга асосан махалла ҳуқуқ-тартибот масканининг асосий вазифалари ва функциялари белгилаб берилди.

Шунингдек, ушбу қарорга асосан қуйидаги тартиб ўрнатилди: туман хокимлари хар ойда худуд профилактика инспекторлари билан шахсан учрашиб, худудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида аниқланган муаммоли масалаларни хал этиш чораларини кўриши, Халқ депутатлари туман кенгашлари хар ярим йилда профилактика инспекторларининг худудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ахволи бўйича хисоботини эшитиши, Ахолининг муоммоларини ўрганиш ва бартараф этиш бўйича “Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли” тизими йўлга кўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан хар бир маҳалла фуқоролар йиғинида «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» «Аёллар дафтари» юритилиб, ушбу дафтарларда рўйхатда турган турган фуқороларнинг муаммолари билан алоҳида шуғулланиб, уларнинг муаммоларини бартараф этиш амалиёти жорий этилди. Худди шунингдек туманларда жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида туман худуди хоким, прокурор, ИИБ бошлиги ҳамда солик бўлими бошлиғи раҳбарлигида 4 та секторларга бўлинниб, хар бир сектор раҳбари ўзига тегишли бўлган худудда содир этилган жиноятга шахсан жавобгар бўлиши белгиланди. Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиши жараёнини кузатиб бориш, ахоли билан ўзаро тезкор мулокотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи «Smart маҳалла» ахборот дастури ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сонли қарори<sup>6</sup> асосида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикаси ва олдини олиш бўйича фаолияти тубдан ислоҳ қилинди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг республика, ўрта ва қуий поғоналарининг асосий вазифалари, функциялари ҳамда жавобгарлиги аниқ белгиланди ва чегараланди. Натижада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятининг сифат жиҳатидан янги тартиби ўрнатилди.

Ушбу қарорга асосан 2017-йил 1 октябридан профилактика инспекторлари ўз лавозимига тегишли фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида бўлиб ўтадиган муҳокамалар натижаларига кўра қабул қилинадиган халқ депутатлари туман (шаҳар)

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелда қабул қилинган «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги ПҚ – 5050-сонли Қарори \| URL: <https://lex.uz/docs/5353841> (29.04.2021.да мурожаат қилинган).

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сонли Қарори \| URL: <https://lex.uz/docs/3175732> (05.11.2020.да мурожаат қилинган).



Кенгашининг қарори билан тасдиқланиши; фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳар ойда профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиш тартиб жорий этилди.

Шунингдек ушбу қарорга асосан: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2018 йилнинг 1 январига қадар профилактика инспекторларини ўзлари бириктирилган худудда хизмат турар жойи билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Хукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг республика, ўрта ва қуий поғоналари фаолиятининг сифат жиҳатидан янги тартибини ўрнатиш, бунда уларнинг асосий вазифалари, функциялари ҳамда жавобгарлигини аниқ белгилаш ва чегаралаш, профилактика инспекторлари зиммасига улар фаолиятига хос бўлмаган функциялар юклатилишига йўл қўймаслик – соҳадаги энг муҳим вазифалар сифатида белгиланди.

Соҳадаги энг муҳим вазифалардан яна бири – профилактика ишини аҳоли, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш, ушбу ишни, биринчи навбатда, хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олишини таъминлашга, жамиятда хукукий маданиятни юксалтиришга, фуқароларга қонунга хурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдиришга қаратиш ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний мигратсия, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт гоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлар олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Чунки, «хукуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала хукуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатdir»<sup>7</sup>.

Кейинги йилларда ички ишлар органлар фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар ушбу вазифаларни самарали бажаришда тўсиқ бўлмоқда. Хусусан, хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича ишлар асосан, содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашишдан иборат бўлиб қолмоқда, хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чукур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги ишлар кутилган самарани бермаяпти.

Шу сабабли бугунги кунда мамлакатимизда хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини ташкил этиш услубларини тубдан ўзгартириш, хусусан, қонун бузилиши ҳолатларини фош этиш ва чоралар кўриш эмас, балки мазкур ҳолатларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш ушбу идораларнинг энг муҳим вазифаси этиб белгиланди.

«Лекин инсонни факт жазолаш билан, факт репрессив усууллар билан тарбиялаб бўлмайди. Буни ҳаётнинг ўзи кўп бор исботлаган. Инсонни тарбиялаш учун бутун жамият ҳаракат қилиши, аввалимбор, жиноий ҳолатларни туғдирадиган сабаб ва омилларни ҳаётимиздан бартараф этишимиз керак. Барчамиз биргалиқда шу ишга ҳисса қўшишимиз керак»<sup>8</sup>.

Профилактика инспекторлари учун барча зарур шароитларнинг яратилиб борилаётганлиги, ўз навбатида, уларнинг зиммаларига юклатилган мажбуриятларнинг талаб даражасида бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини жиддий кучайтиришни тақозо этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу ҳақда шундай деган эди: «Биз профилактика инспекторларининг яшashi ва

<sup>7</sup> Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – хукуқбузарлик профилактикаси фаолияти самарадорлигининг асосий омилидир // Халқ сўзи. – 2017. – 15 ноябр.

<sup>8</sup> Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тарақкий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруzasи // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.



ишлаши учун барча шароитларни яратиб бердик. Энди уларнинг салоҳиятини, маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорлигини кучайтириш зарур. Бундан кейин маҳаллалардаги профилактика инспектори лавозимига танлов асосида уч нафар энг профессионал ходимдан биттаси саралаб олинади. Шундай қисқа, улар ўртасида рақобат кучаяди, одамларнинг тинчлиги ва осоишишталигини таъминлайдиган чинакам самарали тизим яратилади»<sup>9</sup>.

Қисқача қилиб айтганда, юртимизда фуқороларнинг тинч-осоишишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, бошқа муҳим ҳаётий масалаларни ҳал этиш бўйича кенг кўламли ҳаракатлар бошлангани ва янги тизим яратилгани ижобий натижалар бермоқда. Ички ишлар органлари профилактика хизматлари тизимида амалга оширилган ислоҳотларда мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий ва моддий-техник база яратилди, профилактика инспектори ғоят масъулиятли ва шарафли касбга айланди.

---

<sup>9</sup> Одамларнинг бунёдкорона меҳнатини қадрлаб, уларга муносаб турмуш шароити яратиш – энг муҳим вазифамизdir // Халқ сўзи. – 2017. – 18 нояб.

